Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 12 июнь, шанба

№ 108 (21.459).

## РЕСПУБЛИКА ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Ўзбекистон пиллакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар режада белгиланган 28 минг тонна ўрнига 28,5 минг тоннадан ошириб пилла етиштирдилар ва режани 102 фоизга адо этдилар. Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган ҳосил 58,8 килограммни ташкил этди. Тайёрланган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Бу йилги мавсумда бу иш билан республикамизда 1700 га яқин жамоа ва давлат хўжаликлари шуғулланди. Хонадонларда 503300 қути ипак қурти парвариш қилинди.

Йилдан-йилга карвонбошиликни қўлдан бермай келаётган фарғоналик пиллакорлар шу бугунга келиб давлатга 5650 тонна хом ашё сотишди. Андижон вилояти — 4400 тонна, Бухоро — 3500, Самарқанд — 2850, Наманган — 2820, Қашқадарё — 2355, Хоразм — 1900, Сурхондарё — 1255, Тошкент — 1350, Навоий — 935, Қорақалпоғистон Республикаси — 750, Сирдарё — вилояти 448 ва Жиззах вилояти — 370 тонна пилла етиштиришди.

Ўн минглаб пиллакорлар ипак қуртидан юқори ҳосил олишга эришдилар. Амударёлик Бибисора Матсапаева, жалолқудуқлик Тиловатхон Жамолитдинова, олотлик Гулнора Қўчқорова, жиззахлик Тошбуви Дониёрова, косонлик Нина Маргишена, тўрақўрғонлик Мавлуда Назирова, булунғурлик, Гулнора Қодирова, ангорлик Тожихон Валева, Оқолтин туманидан Муяссар Ҳусанова, Тошкент туманидан Марғуба Маҳаматова сингари пиллакорлар ҳар бир қутидан олинган пилла ҳосилини 80-90 килограммга етказдилар.



— Пилла етиштириш — нозик ва долзарб иш. Шу боис бу юмушни дуч келган кишига топшириб бўлмайди, — дейишади «Заркент» жамоа хўжалиги пиллачилик мутахассислари.

Дарҳақиқат бу хўжаликда пилла етиштириш усталари кўпайиб бормоқда. Улар пиллачилик ишларини белгиланган тартиб-қоида асосида пухта ташкил этиб, илғор тажрибаларга амал қилиб муттасил юқори ҳосил олмоқдалар.

Шу туфайли Тошлоқ районидаги бу хўжалик пиллакорлари кумуш тола тайёрлаш режасини Фарғона вилоятида биринчи бўлиб адо этдилар. Бу ютуққа хўжаликнинг Муяссархон Зияева ва Қурбонбиби Тиллабоева каби пиллачилари салмоқли улуш қўшдилар. Уларнинг ҳар бири ҳар қути ҳисобига 100 килограмм ва ундан ошириб қимматли хом ашё топширишга муваффақ бўлдилар.

СУРАТДА: уста пиллакор Муяссархон Зияева.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## КХДР ОЛИЙ ХАЛҚ ЙИҒИНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

11 июнь куни Корея Халқ Демократик Республикаси парламенти раиси Ян Хен Соб раҳбарлигидаги КХДР Олий халқ йиғини делегацияси Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон Республикаси ва КХДР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни республика Олий Кенгаши раиси ўринбосари Б. Бугров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шу куни делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинди. Самимий ва дўстона суҳбат чоғида Олий Кенгаш раиси Ш. Йўлдошев меҳмонларга Олий Кенгаш тизими ва фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва республика парламентининг мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, республикада ҳамда бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўзлаб берди.

Делегация раҳбари Ян Хен Соб самимий қабул ва кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорчилик изҳор этар экан, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, халқаро ҳамжамиятда унинг муносиб ўрнини белгилаш, республикада яшаётган барча миллат ва элатлар, жумладан, корейс миллатига мансуб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга тенг ҳаёт шароитлари яратиш йўлидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Кўппартиялилик шароитида КХДР сиёсий тизимида, парламент ишида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлади.

Олий Халқ йиғини раиси КХДР ва Ўзбекистон ўртасида парламентлараро алоқаларнинг ўрнатилиши фойдали эканини қайд этар экан. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши делегациясини ўз мамлакатига таклиф қилди.

КХДР Олий халқ йиғини делегацияси шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари А. Носиров қабулида ҳам бўлдилар. Меҳмонларнинг расмий сафари дастурида республика Ташқи ишлар вазири С. Сафоев билан учрашув, Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номидаги корпорацияга ташриф, Ўзбекистон пойтахтининг дилкушо жойлари билан танишув режалаштирилган.

(ЎзА).

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

10 июнь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида республика ташқи ишлар вазири С. Сафоев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи Жулиан Ваттс иштирокида Ўзбекистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури ўртасидаги битимни имзолади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи жаноб Жулиан Ваттс ушбу ҳужжат БМТ томонидан имзоланиши учун бугуноқ Нью-Йоркдаги қароргоҳга юборилишини маълум қилди.

(ЎзА).

## ЕВРОАЭРОБУС ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ОСТИДА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг дастлабки икки экипажи Франкфурт шаҳрида Германиянинг «Лофтганза» авиакомпанияси базасида тажриба orттириб, Тошкентга қайтди. Улар Европа мамлакатларидан Англия, Германия, Италия ва Франция фирмалари консорциумида ишлаб чиқарилаётган А—310 самолётини бошқариш ҳуқуқини берадиган халқаро ҳужжатни олиш учун 60 кун давомида таълим олдилар.

Имтиҳон олувчиларнинг фикрича, Ўзбекистон учувчилари вазифани аъло даражада бажардилар. Улар юз балли тест усули тизимида 96 балл олдилар, бу эса халқаро қоидаларга кўра жуда яхши кўрсаткичдир. Миллий авиакомпаниянинг тўрт нафар учувчисидан кейин Германияга учувчиларнинг яна икки гуруҳи жўнаб кетди. «Люфтганза»нинг машқ базасида А—310 самолётлари учун ҳаммаси бўлиб, Ўзбекистондан ўн тўртта экипаж тайёрланади.

Ўзбекистон пойтахтига биринчи Евроаэробус июнь ойининг ўрталарида келади.

(ЎзА мухбири).

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласи ҳамда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди.

Сессия ишида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Ф. ЙЎЛЧИЕВ.

## АҚШГА РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев бошчилигидаги Олий Кенгаш делегацияси 11 июнь куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди. Делегация таркибида Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Э. Халилов, Ўзбекистон республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев, Олий Кенгаш қўмиталарининг раислари П. Хабибуллаев, Ф. Нажмиддинов, А. Жалилов, Э. Воҳидов, А. Аъзамхўжаев бор.

АҚШ конгрессининг парламент дастури доирасида амалга оширилаётган ушбу ташриф давомида иккала мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органлари ўртасида алоқалар ўрнатиш, Америка парламентининг иши билан, конгрессменлар ва сенаторларнинг жойлардаги фаолияти билан бевосита танишиш кўзда тутилмоқда. Парламент аъзолари, шунингдек, кўп партиялилик шароитида давлат ҳокимияти турли тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари тўғрисида фикр алмашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини, ҳар икки томонни қизиқтирувчи ҳамда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида тенг ҳуқуқли ўзаро фойдали икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга дахлдор бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилишни ҳам кўзда тутмоқдалар.

### • ХДП ҳаётидан

## МЕҲР-МУРУВВАТ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Район партия кенгаши ва жойлардаги бошланғич ташкилотлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳр-мурувват, инсонийлик туйғуларини камол топтириш, ночорларга ғамхўрлик қилиш каби олийжаноб инсоний туйғуларни ҳар бир киши қалбига сингдиришдек муҳим ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Район партия кенгашининг бу йўналишдаги фаолиятини районимиз ҳокими — Ўзбекистон республикаси халқ ноиби А. Турдиқулов ҳамда Ширин шаҳри ҳокими Н. Урютина қўллаб-қувватламоқдалар ва амалий ёрдам бермоқдалар.

Район кенгаши «1993 йил март ойида вилоятда «Меҳр-мурувват хайрия акциясини ўтказиш тўғрисида»ги вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг қарорини ҳар томонлама қувватлаб, ана шу тадбирни район миқёсида ҳам ўтказиш мақсадида тадбирлар белгилади. Барча ишлар ана шу тадбир асосида пухта тайёргарлик билан олиб борилди. Жумладан, район марказий банкида «Меҳр-мурувват» хайрия жамғармаси ҳисоби очилди. Райондаги хўжалик, корхона, мактаб, муассасалар ва турли ташкилотларнинг жамоалари ҳамда фуқаролардан ушбу ҳисобга 60 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

«Меҳр-мурувват» хайрия акциясини ўтказиш район комиссияси райондаги 13-болалар уйида бирнеча хайрия тадбирини ўтказди. Наврўз куни болалар уйи жамоасига «Фарҳод» давлат хўжалиги ош дамлаб берди. Янгиер шаҳридаги «Шодлик» савдо маркази ҳамда болалар сут ошхонаси ходимлари турли хил қандолат маҳсулотлари олиб келишди. «Кушканд» ижара хўжалиги 5500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 2 минг сўм пул, район матлубот жамияти эса 10 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, вилоят мудофаа ишлари бўйича муқобил хизмат бўлими 7 минг сўм, «Труд» кооперативи ёрдамчи бино қуриш учун 1,5 минг дона ғишт инъом этдилар.

Райондаги 9 та қишлоқ кенгаши ҳудудида истиқомат қилувчи ногирон, ёлғиз қариялар, оилавий шароити ночор фуқаролардан 23 кишига ҳар бири 1000 сўмлик маҳсулот, 2 кишига 600 сўмлик моддий ёрдам, 8 кишига 500 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, район хўжаликлари маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ташаббуси билан ўз хўжаликлари ҳудудида яшаётган, кўп йиллар хўжалик ишлаб чиқаришида фаол қатнашган ночор оилаларга пул, озиқ-овқат, қорамоллар хайр-эҳсон қилиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан Тимирязев номли давлат хўжалигида 4 оилага, Бобур номли ширкат хўжалигида бир оилага биттадан ғунажин совға қилинди.

Район хайрия жамғармасига келиб тушган маблағдан «Фарҳод» давлат хўжалигида Ф. Маликовга, вилоят хайрия жамғармасидан «Ховос» ширкат хўжалигида М. Исмоилова ва Д. Мустафоқуловаларга бепул ногиронлик аравачаси инъом этилди. Яна 3 та ана шундай ногиронлик аравачасига эса пул ўтказилди.

«Меҳр-мурувват» хайрия акцияси кишилар қалбига шодлик, келажакка ишонч, вақтинчалик иқтисодий танглиқни ҳалол меҳнат билан енгишга ундовчи куч-қувват, мустаҳкам ирода бахш этяпти.

Партиянинг негизи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, омма ишончини қозонишда албатта ташкилот котибларининг куюнчаклиги, партия ишига эътиқоди ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Кези келганда «Фарҳод» давлат хўжалиги (котиби Р. Ҳакимов), ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш базаси (котиби Я. Ҳайдаров), «Гулбаҳор» маҳалла қўмитаси (котиби У Шодиев), район марказий шифохонаси (котиби Н. Тўлаганов), «Фарҳод» маҳалла қўмитаси( котиби С. Ҳайдаров), Бобур номли ширкат хўжалиги (котиби А. Ҳасанов, Амир Темур номли ширкат хўжалиги (котиби С. Каримбердиев), «Ховос» ширкат хўжалиги (котиби А. Усмонов) каби кўплаб партия ташкилотлари етакчилари олиб бораётган партиявий — ташкилий ишларни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқ жоиздир.

Аммо бундан ҳали район партия кенгаши фаолиятида камчилик ва муаммолар йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди. Кенгаш аъзоларининг масъулиятини ошириш, уларни партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларга фаол сафарбар этишда ҳали кўнгилдагидек ютуқларга эришаётганимиз йўқ. Бунга бир томондан очиғи, ўз шахсий манфаатини ўйлаб партияга кирган, тил учида тарафдору, амалда эса партиядан ўзини узоқ тутишга, муҳим ишлардан ўзини панага тортишга уринаётган айрим кенгаш аъзолари ҳам сабабчидир. Аммо шуниси аниқки, партия ўз сафини бундай эътиқодсиз шахслардан халос қилиб боради. Ўз манфаатини умумхалқ манфаатидан устун қўювчиларни биз ўз сафимизда ушлаб туролмаймиз. Халқ қувончи ва ташвишига шериклик район кенгаши фаолиятининг асосий иш мезонига айланмоғи учун ҳали жуда кўп иш қилиш зарурлигини бир дақиқа ҳам унутмаймиз.

Р. ДУШАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Ховос район кенгашининг биринчи котиби.

## ДАВЛАТ НАЗОРАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фармонларини ХДП аъзолари раҳбарлик қилаётган корхона ва ташкилотларда қай тарзда бажарилаётганига эътиборни қаратмоқда. Яқинда шаҳар давлат назорати раҳбарияти билан ҳамкорликда пахта тозалаш заводи, 7, 8-ун комбинатлари, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги ёрдамчи хўжаликларнинг фаолиятини текширишдан ўтказдилар. Ҳамкорликда ўтказилган шаҳар кенгаши ижроия бюроси йиғилишида юқоридаги корхоналарнинг раҳбарлари, — ХДП аъзолари Р. Бўстонов, Х. Азларов, С. Абдуллаев, Э. Норматовларнинг бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат жамоаларининг арзон сабзавот, полиз, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш манбаи бўлган ёрдамчи хўжаликлар ишини ташкил этишдаги ютуқлари қайд этилган ҳолда мавжуд камчиликлар ҳам кўрсатиб берилди ва қисқа муддатда бу нуқсонларни тугатиш масъулияти зиммаларига юклатилди.

Б. РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқандда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов республикамиз Президенти И. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар асосида вилоят фаоллари олдида турган вазифалар хусусида маъруза қилди. Анжуман қатнашчилари рисола ҳақида мулоҳаза юритиш билан бирга Президентимизнинг кейинги учрашувлари ва нутқлари асосида мустақил Ўзбекистон истиқлол мафкурасини яратиш зарур эканлигини таъкидладилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### • «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

## АСАКА ЧЎНТАГИДА ТАНТАНА

**Асака шаҳрининг машҳур Чўнтак деб аталмиш сайилгоҳида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик тўйига бағишланган оммавий байрам сайили бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг шаҳар кенгаши ташкил этди. Сайилни ўтказишга шаҳар истироҳат боғи, Аҳмад Яссавий номли шаҳар кутубхонаси, шаҳар ўлкани ўрганиш музейи, шаҳар маданият бўлими жамоалари ҳомийлик қилдилар.**

Гарчи эрта тонгда қаттиқ жала қуйиб, атрофни бесаранжом қилган бўлса-да, истироҳат боғи дарвозаси олдида чалинган карнай-сурнай ноғора садоларини эшитган аҳоли бу ерга кела бошладилар. Хайрият, ҳаво очилиб, қуёш чарақлаб турди.

Халқ демократик партиясининг шаҳар кенгаши биринчи котиби Шуҳрат Жалилов байрам тантаналарини очиб, «Ўзбекистон овози» газетаси босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапирди.

Шундан сўнг яқинда партия сафига қабул қилинган шаҳар корхоналарининг илғорлари, зиёлилари, вакиллари ва ёш йигит-қизлардан Мулойимхон Шарипова, Дилшод Қаюмов, Тожихон Болтабоева, Муяссархон Доримова, Марҳабохон Мўминова, Абдураҳим Ражабовларга йиғилганларнинг олқишлари остида партия билетлари топширилди.

«Ўзбекистон овози» газета муҳарририятининг собиқ бўлим мудири, ҳозирда Андижон давлат университетининг доценти бўлиб ишлаётган асакалик Неъматжон Улуғжонов газета даргоҳида ишлаб, катта ижодий мактаб таълимини олганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Унга Андижон вилояти партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

Тантанали маросимда асакалик шоирлар Алижон Сатторов, Ҳурбой Мирзакаримов, Мукаррам Ғанижон қизи ва бошқалар шонли газетага бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Оммавий байрам сайлида шаҳардаги кўплаб ҳаваскорлик тўгараклари, жумладан, «Шалола», «Гулдаста», «Бодом гули» ансамблларининг хонанда, созанда, раққосалари ранг-баранг тизимдаги концертларини намойиш этиб, сайил қатнашчиларини хушнуд этдилар.

Истироҳат боғи хиёбонларида маҳаллий кулолчилар, фотосурат усталари, мўйқалам соҳиблари, амалий санъат намоёндалари ўзлари яратган асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилдилар.

Шаҳарда нашр этиладиган «Асака ҳаёти» газетаси ўзининг бир сонини «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига бағишлади ва унда маҳаллий мухбирларнинг, шаҳар фаолларининг хотиралари, табрик сўзлари эълон қилинди.

Шаҳар партия кенгаши газета юбилейи шарафига ўтказилган муҳим тадбирда фаол қатнашган жамоалар, жамоатчилардан катта бир гуруҳини фахрий ёрлиқлар, совғалар билан мукофотлади.

Рустам РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози»нинг ўз мухбири.

## ТЎРТКЎЛДА БАЙРАМ

Тўрткўл районида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Вазирлар кенгаши, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши масъул ходимлари, шунингдек, таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар иштирок этдилар.

Тантана қатнашчилари шаҳар ҳокими қарори билан «Ўзбекистон овози» газетаси номи қўйилган кўчани бориб кўрдилар ва кўча аҳлини табрикладилар.

Район партия кенгашининг мажлислар залида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Қорақалпоғистон Кенгаши биринчи котиби А. Х. Асанов кириш сўзи билан очди.

Газетанинг 75 йил ичида босиб ўтган йўли ҳақида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг иккинчи котиби С. Қутлимуротов маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси муовини вазифасини бажарувчи Г. Аннақиличева, Ўзбекистон ХДП Тўрткўл район кенгаши биринчи котиби И. Рўзимбетов, Беруний райони ҳокими М. Сапоев, Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси Т. Қаипбергенов, «Вести Каракалпакистана» газетасининг бош муҳаррири Е. Бойназаров, биринчи республика касалхонаси бош шифокори Н. Ешниёзов, Тўрткўл районидаги «Дўстлик байроғи» газетаси бошланғич партия ташкилоти котиби Ш. Разоқова, «Ишонч» газетасининг мухбири А. Искандаров газета ижодий жамоасини ҳамда барча муштарийларни табрикладилар.

Тантанали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг муовини Г. А. Юсупова, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири М. О. Хадаев иштирок этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

